

# Ислом КАРИМОВ:

МАҚСАД ДЕГАНИ — ХАЛҚНИ, МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ, ЙЎЛГА БОШЛОВЧИ БАМИСОЛИ БИР БАЙРОҚ. БУ БАЙРОҚ БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ РУҲИНИ, ГУРУР-ИФТИХОРИНИ, КЕРАК БЎЛСА, ҚУДРАТИНИ, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИНИ МУЖАССАМЛАШТИРАДИГАН УЛУҒ КУЧДИР. ДАВЛАТИМИЗНИНГ, ХАЛҚИМИЗНИНГ, ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ МАҚСАДИ ЎЗИНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ, ҲАЁТИЙЛИГИ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИГИ БИЛАН ҲАММАМИЗНИ ЖАЛБ ЭТАДИГАН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ. ТОКИ БУ МАҚСАД ХАЛҚНИ — ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ — МИЛЛАТ ҚИЛА БИЛСИН, ҚЎЛИМИЗДА ЕНГИЛМАС БИР КУЧГА АЙЛАНСИН.



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЙOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ □ 13 ИЮЛЬ □ ПАЙШАНБА № 79 (26629)

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУХБАТЛАР

## УЧ ТУМАН МАРРАДА

### ҲАЁТИМНИНГ УНУТИЛМАС КУНИ

Ватаниннг ҳар қарич ери муқаддас. Лекин мамлакатимизда шундай қадамжолар, зиёратгоҳлар, гўшалар борки, у ерда инсон ўзининг томирларини, қадриятларини чуқур англайди. Мустақиллик майдони ҳам шундай жойлар сирасига кирди. Бу ерга қадам қўйган кишининг эти жимирлайди: ўз озодлиги, ҳурлигини, эркинлигини, Ватаниннг барқарорлигини бутун жисму тани билан ҳис этади. Мана шунинг учун ҳам биз юртдошларимиз билан суҳбат қилишга айнан шу жойни танладик. Ушбу суҳбатларни бугундан бошлаб юқоридаги руни остида эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.




■ Умар АБДУЖАЛИЛОВ

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод, Сирдарё ва Боёвут туманлари давлатга галла сотиш режасини бажардилар. Қабул пунктларига Сайхунобод ва Сирдарё туманлари 20 минг тоннадан зиёд дон тоширидилар. Боёвут тумани эса 24.400 тонна галлани давлатга сотди. Сайхунободликлар қўшимча 5 минг тонна галла тошириш режаси билан чиқшиди. Қолган икки туманда ҳам ҳали ўрим-йғим авжда.

Зокиржон ЗУННУНОВ, медицина фанлари доктори, Нью-Йорк Фанлар академиясининг академиги:

қўйилди. Термизнинг Учқизил ҳудудига жойлашган илмий-текшириш институти-



мизни истиқлол туфайли бугун жаҳон медицинаси тан олди. Бу ерда қўлаб касалликлар дори-дармонсиз, яъни олтингургурли, йодобромли

сув билан даволаниши дунё олимларини ҳайратини тоширади. Ҳа, бизнинг ҳали дунё ақли тасаввур қила билмайдиган табиий-тиббий имкониятларга эга бўлган, Оллоҳ назари тушган ана шундай жойларимиз бор.

Истиқлол менинг шахсий ҳаётимда дунё билан бўйлашимга имкон яратди. Сурхоннинг чекка бир қисмида жойлашган илмий-текшириш институтида ишлаётган ўзбек олими Вашингтондаги Америка Миллий географлар илмий ассоциациясининг ҳақиқий аъзоллигига қабул қилиниши мислсиз воқеа! Бу қувончли ҳол 1998 йилда рўй берди. 1999 йилда эса Мексикада Халқаро сифат олтин ва қумш мелали билан мукофотланишимда ҳам истиқлолнинг фаннимиз тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилдим. Булар ҳаётимнинг унутилмас кунларидир.


Мен шундай ҳулосага келдим: истиқлол инсондай яшаш, ишлаш, инсон бўлиб фикрлаш, дунёни англаш, ўз ортидан беғубор ва узокни кўра билалдиған авлодлар келаётганидан қувониб бахтини берадиган энг улуг неъматдир.

■ Руни учун масъуллар: Нормбо ШАКАРОВ, Кўқор НОРҚОБИЛ



Абдувоҳид ТўРАЕВ (ўзА) олган суратлар

XX асрнинг бошларида Ер шарига буюк ўзгаришлар рўй бера бошлади — Америкада, Японияда ва Европадаги иқтисодий инқирозлар ва юксалишлар силсиласи давлатлараро рақобатни вужудга келтирди. Бу ўткир сиеъатчилар учун қулай имкониятлар тугдирди. Франклин Делон Рузвельт Америка радиоси орқали: «Номалум одам» нутқини ўқиб эшиттирди. Деярли аҳолининг ярмидан кўпи эшитди. Европа радио орқали Рузвельтни гоҳ қоралади, гоҳ оқлади. Буни ҳам қўпчилик эшитишди. Биз гапни узокдан бошлаганимиз, дунё миқёсида аздалан радионинг ўрни беқисс эканлигини айтиб ўтиш эди. Радио инсонга беминнат ҳамкор — хоҳ белга тугиб олиб, хоҳ елкага осиб олиб, ё киссага солиб эшитаверсан — мамлакатда кечаётган сиеъий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ёки қўшни давлатларда бўлаётган воқеаларни.



Қўлингиздаги (агар бор бўлса) радио қабул мосламасининг мурватини бурасангиз, турли бурчаклардан турли тилда эшиттиришлар берилётганининг гувоҳи бўласиз. Мамла-

## САҲРОДАГИ САРБОНГА ҲАМ, ТОҒДАГИ ЧЎПОНГА ҲАМ

Ўзбекистон радиосининг овози етсин...

кулайлик яратиши аниқ. Келинг, энди ўйлаб кўрайлик, бизда радио приёмниклар ишлаб чиқариляптими? Улар қайси тўлқинларда ишлайди? «Семурғ» жамоаси кичик, қўлда кўтариб юришига қўлай радио ишлаб чиқди, аммо инсоф билан айтганда, аҳолининг радиого эҳтиёмманд қисми уни сотиб олишга ҳали қурбилари етмаса керак-ов. Айтишингиз мумкин, чет элдан келаётгани қанча, нархи ҳам, сифати ҳам чўнтакка қараб деб. Яна аммоси бор-да, чет эл маҳсулотларида ФМ ва ўрта тўлқин бор, холос. Улар аллақачон узун, қисқа, ультра қисқа тўлқинлар-

### ТАШВИКОТ — ТАРҒИБОТ ЙЎЛИ

вий дам олишининг удасидан чиқолмайди. Биздаги радиоузатгичлар эса асосан узун, ўрта қисқа тўлқинларда яхши тебранади. Мана биринчи дастури-миз 1829 метрлик узун тўлқинда тарқалади, тўғри ўрта, қисқа,

тўлқинлар ҳам мавжуд, аммо уларда қабул қилинганда қитир-қитир қилиб асабга тегади. Бу дастур техникавий томонидан аҳолининг 95 фоизини қамраган. Мамлакатимизда юқори сифатли қабул қилиш фақат ультра қисқа тўлқинда мавжуд. Ҳўш, бунинг иложини қилса бўладими? Албатта, бўлади. Бунинг учун қоиотни забт этиш лозим, яъни сунъий йўлдош узатгич ва қабул тизимига эга бўлишимиз керак. Бу биринчидан ватанимиз ичкарисидаги муаммони ҳал этса, иккинчидан хорижий давлатларга бевосита тўлқин уза-

тиш қувватига эга бўламиз. Биз шу пайтгача сиеъий, иқтисодий муаммоларимизга алоҳида эътибор қаратдик, бу жуда зарур эди. Эндиликда маънавий манфаатларимизни ҳам ўйлаб кўриш вақти етди. Биз сунъий йўлдош телерадио тармоғи қурад эканмиз, аввало хорижга миллиати-мизнинг қайси анъаналарини, му-сикасини, урф-одатларини олиб чиқамиз, бунинг учун қўроқ ҳал этишимиз лозим. Чунки, хорижликлар етказадиган эшиттиришларимиз, кўрсатувларимиз орқали миллиатимизга баҳо беришади.

Мамлакатимизда, унинг жойлардаги худудларида махсус телерадио узатгич марказлар мавжуд, фақат улар ҳалигача эски техникалар, антенналар билан ишламоқда. Янги замонавий, улкан антенналарга булунги кунда эҳтиём сезилмоқда. Қолаверса, радио учун ФМ узатгич тўлқиндан фойдаланиш вақти етди. Бу тўлқиндан дунё фойдаланади. Дунё стандартлари даражасида ишлаб чиқарилаётган радио приёмниклар ФМга мўлжалланган. Шу кунларда барча соҳаларда бўлгани каби ра-

диола ҳам анча ўзгаришлар бўлганини эътироф этиш жоиз. Янги тўлқинларда янги эшиттиришлар жорий этилди. Хусусий эшиттиришларга имконият яратилди. «Сезам» (со-биқ), «Грант», «Водий садоси» шулар жумласидан. «Ёшлар» радиосининг эшиттиришлари ҳам асосан ФМ диапазонида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини қамраган.


Барча дастурлар миллат манфаатидан келиб чиқиб, айниқса, ёшларнинг тарбиявий томони, маънавий онгининг шаклланиш даражасини ҳисобга олиб, маданий, ахлоқий жиҳатларига эътибор қаратиб тузилса, мафкурамининг мукаммал шаклланиши ҳам асқотарди. Тўғри, барча соҳада эркинлик бўлиши шарт, аммо ҳар қандай эркинлик миллат, Ватан зиёнига ишламаслиги керак. Ҳеч бир нарса Ватан, халқ манфаатларига зид келмаслиги керак. Эркинлик ташқаридаги, мамлакат ичидаги воқеаларни эркин таҳлил қилиш, камчилик ва ютуқларни рўй-рост айтиш демокдир.

■ Юсуф ЖўРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

### «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «БОЗОРДАГИ «БУЗ» ВА «ҚУР»

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 4 июль сонидида чоп этилган «Бозордаги «буз» ва «қур» сарлаҳали мақола «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасининг 2000 йил 5 июлдаги муассислар йиғилишида барча бозор акциядорлик жамиятлари раислари ҳамда уюшманиннг масъул ходимлари иштирокида муҳокама этилди ва уюшма бошқаруви томонидан «Бешёғоч бозори» акциядорлик жамияти жамоаси ўртасида жойига чиқиб ўрганилди ҳамда тегишли чоралар кўрилди.



Мақолада келтирилган «Бешёғоч бозори» акциядорлик жамиятининг «Чилонзор» ҳамда «Бешёғоч» шохбачаларидаги аҳвол ва мавжуд камчиликлар тўғри ёритилган. «Чилонзор» шохбачаси худудига ноқонуний куриб олинган савдо дўконларининг фаолиятини қонунлаштириш мақсадида туман ҳокими Ш. Қосимов томонидан уюшма бошқаруви билан биргаликда куйидагилар амалга оширилмоқда: мазкур савдо дўконларининг эгалари билан туман ҳокимлигида уюштирилган мажлисда, уларнинг фаолиятини расмийлаштириш юза-

■ «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошқаруви раиси А. АТАШИКОВ





